

ЖАМИЯТИМИЗГА ЁТ БҮЛГАН ҒОЯЛАРНИНГ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЬАНАЛАРИМИЗ ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИ АНГЛАШГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Турсунов Алишер Қаҳраманович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

2-сон Тошкент академик лицейи

Махсус фанлар ўқитувчиси

ali704tur@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бугунги кундаги дунёning турли жойларида бир томонлама шаклланган ижтимоий-маданий тизимлар, ҳаётнинг ўзгариб бораётган шароитлари ва янги сароб қадриятли мақсадлар бузгунчи жамиятимизга ёт ғояларнинг келиб чиқиши, уларнинг тарқалишига замин ҳозирланиши. Айни пайтда бундай вайронкор ғоялар, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш, ҳам вертикал, ҳам горизонтал ўсиб бориши сабабларини ўрганиши ҳамда бу ғояларнинг салбий оқибатларини камайтишининг самарали йўлларини излаш хақида гап кетади.

Калим сўзлар: Тараққиёт стратегияси, тараққиёт модели, мафкуралар, цивилизация, манавият, фалсафа, аксиологик модел, миллий гоя, этник бирлик, миллий руҳият, террорчилик, оммавий қотиллик, геноцид, расизм, нигилизм, вандализм, фашизм.

НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ ЧУЖИХ ИДЕЙ НА НАШИ ЦЕННОСТИ, ТРАДИЦИИ И НАЦИОНАЛЬНУЮ КУЛЬТУРУ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются социальные и культурные системы, сформировавшиеся в одностороннем порядке в разных уголках мира. На сегодняшний день некоторый заранее планированный изменение условия жизни и новые, ценностные цели, являются источником чуждых идей, разрушающих в наше общество, подготовкой почвы для их распространений. На данный момент речь идет об исследовании конкретных аспектов таких деструктивных идей, изучении причин их роста как по вертикали, так и по горизонтали, поиске эффективных способов снижения негативных последствий этих идей.

Ключевые слова: Стратегия развития, модель развития, идеологии, цивилизация, духовность, философия, аксиологическая модель, национальная идея, этническое единство, национальная психика, терроризм, массовые убийства, геноцид, расизм, нигилизм, вандализм, фашизм.

THE NEGATIVE IMPACT OF FOREIGN IDEAS ON OUR VALUES, TRADITIONS AND NATIONAL CULTURE

ABSTRACT

In this article, the social and cultural systems formed unilaterally in different parts of the world today, the changing conditions of life and the new, valuable goals, are the origin of alien ideas that destroy our society, and the preparation of the ground for their spread. At the moment, it is about researching the specific aspects of such destructive ideas, studying the reasons for their growth both vertically and horizontally, and looking for effective ways to reduce the negative consequences of these ideas.

Keywords: Development strategy, development model, ideologies, civilization, spirituality, philosophy, axiological model, national idea, ethnic unity, national psyche, terrorism, mass murder, genocide, racism, nihilism, vandalism, fascism.

КИРИШ

Мазкур мақолада бугунги кундаги дунёнинг турли жойларида бир томонлама шаклланган ижтимоий-маданий тизимлар, ҳаётнинг ўзгариб бораётган шароитлари ва янги сароб қадриятли мақсадлар бузғунчи жамиятимизга ёт ғояларнинг келиб чиқиши, уларнинг тарқалишига замин ҳозирланиши. Айни пайтда бундай вайронкор ғоялар, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш, ҳам вертикал, ҳам горизонтал ўсиб бориши сабабларини ўрганиш ҳамда бу ғояларнинг салбий оқибатларини камайтиришнинг самарали йўлларини излаш хақида гап кетади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАРИ

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бузғунчи ғояларни ўрганишга янгича ёндашувлар асосида уларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини аниқлаш борасидаги ижтимоий-фалсафий билимларни илмий-услубий жиҳатдан кучайтириши билан белгиланади. Ушбу тадқиқотда ишлаб чиқилган қатор категориал тушунчалар ижтимоий фалсафа соҳасидаги амалий тадқиқотлар учун илмий-услубий асос бўлиши мумкин. Мазкур тадқиқот материалларидан келгусидаги илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятда ҳамда

фалсафа, диншунослик, психология, социология мутахассисликлари бўйича ўқув дастурлари доирасида бузғунчи мафкураларнинг тарихи, бугуни ва ижтимоий оқибатлари бўйича мавзуларни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистоннинг XX1 аср тараққиёт стратегияси миллий тараққиёт моделида аниқ ифодаланган бўлиб, мамлакатимизни тараққий этган давлатлар қаторига қўшилиши билан бирга ўзликни англаш, халқнинг маънавий уйғонишини рағбатлантиришни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликка асосланган миллий ва ижтимоий сиёсатнинг амалий ривожини таъминлашга қаратилади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб бориши, геосиёсий қарама-қаршиликлар, таъсир доираси кенгайиб бораётган мафкуравий кураш, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларга ҳам дуч келмоқдамиз.

Бу инсониятни XX асрда тоталитар мафкураларнинг беаёв тажриба майдонида синалган, сайёрамизни бир неча марта йўқотишга етадиган ядро куролларининг таҳди迪, «совуқ уруш» азобларини тортиб катта тажриба ортирган бўлса-да, XX1 асрга етарли даражада ақл-идрокли бўлиб қадам қўймади. Инсониятга таҳдид солган вайронкор ғоялар завол топмасдан, балки янги кўринишларда қайта бош кўтариб чиқмоқда.

Инсониятнинг бугунги цивилизацияси дисфункционал бўлиб қолмоқда, кишилар жамияти турмуш тарзи усулининг ўзгаришига, инсониятнинг янги цивилизацияга оид танловига эҳтиёж сезилмоқда. “Ҳозирги вақтда инсониятда бирлаштирувчи ғоя, умумий ахлоқий чегара йўқ, - дейди А.А.Гусейнов. Менинг фикримча, айнан куч ишлатмаслик ғояси ана шундай ғоя бўлиб хизмат қиласди. Куч ишлатмаслик инсоният забт этиши лозим бўлган янги маънавий-амалий чўққидир. Бу шунинг учун ҳам керакки, у яшаши ва цивилизация эришган ютуқларни асраб-авайлаши лозим. Бунинг ҳеч қандай муқобил йўли йўқ”.

Мана шундай муаммоларнинг гирдоби томон бораётган турли давлатлар, жамиятлар, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам бузғунчи ғояларнинг олдини олиш, уларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсирини бартараф қилишнинг самарали йўллари, усуллари ва воситаларини излаб топиш, ижтимоий-фалсафий муаммо сифатида таҳлил қилиш бугунги фалсафа фани олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундай таҳдидларга қарши курашда миллий маънавитимиз, миллий ғоянинг имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим. Сўнгги пайтларда

жаҳонда, жумладан муайян даражада бизда ҳам миллат, унинг маънавий борлиги, ривожланиши муаммосини етарли даражада фалсафий тафаккурдан ўтказмаслик бу борадаги тадқиқотларнинг издан чиқишига олиб келди. Чунки тадқиқотларнинг таркибий қисми торайди, назарий қоидалари эса сиёсийлаштирилди. Миллий ўзига хослик муаммоларини келгусида ҳар томонлама батафсил ишлаб чиқишимасдан хусусий тадқиқотларни ривожлантириш қийин кечиши яққол қўриниб қолди. Мамлакатимиз фалсафа фани миллий маънавият, миллий ўзликни англашнинг табиати, моҳияти, тузилмаси, даражалари, амал қилиш механизмлари ҳамда ривожланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш бўйича ишланмаларга эҳтиёж сезмоқда.

Замонавий жамиятни ривожлантиришнинг оқилона йўллари нафақат новаторлик услубидан фойдаланиш, балки миллий маънавият асосларининг таҳлилига, шаклланган архетипларга асосланган жамият қурилиши борасидаги ўз тажрибасини ўрганишга таяниши лозим. Аммо миллий маънавиятнинг айрим “эскирган” жиҳатлари миллий ривожланишни чеклаб қўймоқда, миллий маҳдудликка сабаб бўлмоқда. Шу боис, анъанавий қадриятларни қайта баҳолаш ҳамда миллий маънавият қадриятли тузилмаси бўғинларини янгилаш юз бермоқда. Замонавий жамият миллий маънавиятнинг аксиологик модели учун миллатнинг ижтимоий тажрибасини ҳамда янги ижтимоий воқеликка мос келувчи умуминсоний қадриятларни акс эттирувчи анъанавий қадриятлар умумлашуви хусусиятлидир.

Миллий маънавиятга ёндашувнинг янги аксиологик модели ранг-баранглиги билан хусусиятланади. У жамиятнинг ўтиш ҳолатини акс эттиради. Айниқса, миллий ғояни шакллантириш миллат муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган қадриятли вазифаларни танлаб олишга имкон беради. Кўп миллатли жамиятнинг миллий ғояси умумийлик ва хусусийликни англаш орқали мамлакатимиздаги барча миллатларнинг орзу- умидлари ва эҳтиёжларини ўзида бирлаштиради.

Жамиятдаги объектив бирлашув тенденцияларининг кучайиб бориши миллий ўзига хосликнинг мустаҳкамланиши, миллий ўзликни англашнинг мустаҳкамланиши йўлидаги барқарор қарама-қарши жараён билан биргаликда кечмоқда. Шунинг учун қўпмиллатли давлат ривожланиши учун ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар шароитларида миллий омил алоҳида долзарблик касб этади. Аммо миллий ўзликни англашнинг ўзига хосликлари ва унинг асосий қадриятларини ҳисобга олувчи давлат ҳамда миллат сиёсатининг

илмий асосланган концепцияси ниҳоясига етмаганлиги жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қиласи.

Ҳар қандай миллат жаҳон цивилизациясида ўзининг муносабиб ўрнини эгаллашга интилар экан, ушбу миллатнинг ғояси умумисоний қадриятларга ҳам суюниши шарт. Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий ва маънавий меросида умумисоний қадриятлар ҳам ўзига хос шакллар ва кўринишларда ифода этилган бўлади. Шу билан бирга, бошқа миллатлар, давлатлар, динлар ва цивилизацияларнинг хос қадриятлари ва ижобий тажрибаларидан фойдаланиш ҳам жаҳон таракқиётининг ҳозирги босқичида маълум аҳамият касб этади. Шу маънода, мафкуравий жараёнлар жадаллашган даврда кучли жамият қуриш учун халқимизнинг миллий маърифий қарашларимизни янада чуқурлаштиришга эҳтиёжлар сезилмоқда. Чунки, биз қураётган жамият ғарбдан ёки шарқдан кўр-кўrona кўчириб олинмаган, балки бир неча минг йиллик тарихий тажрибаларимизга асосланади.

Миллий ғоянинг бузғунчи ғояларга қарши курашдаги аҳамияти билан боғлиқ ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юрга мухаббат, истиқололга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқд. Зеро, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда мафкуравий масалаларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли ғоявий хуружлардан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, давлатимиз мустақиллиги, тинч- осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш учун миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий, фалсафий, илмий асосларини ўрганиш, унинг методологик ёндашувларини чуқур тадқиқ этиш ҳаётий заруратdir.

Миллий ғоя юрга озодлиги ва ободлигига қарши қаратилган ҳар қандай ғоявий, мафкуравий таҳдидларга, кучларга қарши курашади. Халқни бу йўлда уюштиради, жипслаштиради, Ватанга, эл-юрга садоқат руҳида тарбиялайди. Юртнинг озодлиги ва ободлиги жамиятда барқарор ижтимоий муҳит ҳукмрон бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам, “Миллий ғоя деганда этник бирликни ўзида намоён этувчи, миллий онгни уйғотувчи, миллатнинг ўзлигини англатувчи, ўзига хосликка, менталитетга қиёфа баҳш этувчи, миллий руҳият, ғурур, ифтихор, эътиқод ва масъуллик туйғуларини шакллантирувчи тафаккур

мажмуасини тушуниш мумкин". Сўнгги пайтларда мафкуравий бўшлиқ, ўюшмаган ёшлар, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида турли мулоҳазалар илгари сурилмоқда. Бунга эришишда ахоли, жумладан, ёшларнинг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда эса, ғоявий омил муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, халқимизни бирлаштирадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётйи манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий ғоянинг амал қилиш механизмларини янада кучайтириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда ижтимоий фалсафа бузгунчи ғоялар, уларнинг ижтимоий оқибатлари борасида инсоннинг моҳиятида мавжуд бўлган хусусиятлар, уларни харакатлантирувчи мотивлар билан боғлиқ хulosаларни илгари сурмоқда. Масалан, мана шундай жиҳатлардан бири бўлган эркинлик инсоннинг маънавий эҳтиёжи бўлиши билан бирга бузгунчиликнинг ўсишида муайян даражада катализатор ёки мотив бўлиши ҳам мумкин. Чунки эркинлик бу каби ижобий ўзгаришларни келтирибина қолмасдан, балки хавфсизлик ҳиссиётларининг ва жамиятга мансублик ҳиссиётларини йўқотишга олиб келади. Эркинлик ёлғизлик ҳиссиёти, ўзини ҳеч нарсага арзимаслиги ва бегоналашувини ҳис қилиш билан бирга кечади. Кишилар бундай туйғуларни бартараф этишга, "эркинликдан қочишга" интиладилар. Э.Фроммнинг фикрига кўра, "эркинликдан қочиш" усусларидан бири айнан бузғунчиликдир. Шунинг учун инсон, тўлақонли эмаслиги (комил эмаслиги) сабабли ҳиссиётини бошқаларни йўқ қилиши ёки бўйсундириши орқали рағбатлантирмоқчи ёки тинчлантирмоқчи бўлади.

Умуман, бугунги ижтимоий-маданий тизим учун хусусиятли бўлган ҳаёт фаолиятининг ўзгариб бораётган шароитлари ва янги қадриятли мақсадлар бузгунчи ғояларнинг келиб чиқиши, унинг террорчилик, оммавий қотиллик, геноцид, расизм, нигилизм, вандализм, "оммавий маданият" сингари кўринишлари тарқалишига олиб келмоқда. Айни ҳозирги ижтимоий-маданий тизимда инсон томонидан яратилаётган вайронкор ғоялар, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш, бундай ғояларнинг ҳам вертикал, ҳам горизантал ўсиб бориши сабабларини ўрганиш ҳамда бу ғояларнинг салбий оқибатларини камайтиришнинг эҳтимолий йўлларини ўрганиш талаб этмоқда.

ХУЛОСА

Бугун дунёнинг турли жойларида бир томонлама шаклланган ижтимоий-маданий тизимлар, ҳаётнинг ўзгариб бораётган шароитлари ва янги сароб қадриятли мақсадлар бузгунчи ғояларнинг келиб чиқиши, уларнинг

тарқалишига замин ҳозирламоқда. Айни пайтда бундай вайронкор ғоялар, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш, ҳам вертикал, ҳам горизонтал ўсиб бориши сабабларини ўрганиш ҳамда бу ғояларнинг салбий оқибатларини камайтиришнинг самарали йўлларини излаб топиш талаб этилмоқда.

Бузғунчи ғояларга қарши самарали кураш кўп жиҳатдан бу соҳадаги муаммоларни илмий асосда ўрганишга боғлиқ. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда кўплаб илмий тадқиқот марказларида бузғунчи ғояларни илмий тадқиқ қилиш, уларнинг таъриф ва тавсифлари борасида умумхулосага келиш, уларга қарши курашда фалсафий асосларига қайтиб иш кўриш ва бошқа ечимларнинг янги йўналишлари шакллантирилмоқда. Аммо, айрим ҳолларда, бузғунчи ғояларнинг мақсадларига сиёсий тус бериш кучайиб бориши, уларни таъқиқлаётган хуқуқий мезонларнинг амал қилмаслиги бу борадаги мушкулотларни ошириб юбормоқда.

REFERENCES

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti SH. M. Mirziyoevning PF-5106-sonli “Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O’zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo’llab-quvvatlash to’g’risida” farmoni
2. Мирзиёев Ш.М. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 2017 йил. 30 июн.
3. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. Т.: “Маънавият”. 2017. 18 б.
4. Лапин И. Фундаментальные ценности цивилизационного выбора в XXI столетии. Часть 1. Человеческая цивилизация перед выбором конфигурации фундаментальных ценностей // Вопросы философии. 2015. № 4 -С. 3-15.
5. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2008-176 б.
6. Фромм Э. Бегство от свободы. - Москва.: АСТ, 2011. - 279 с.
7. Himes J. Conflict and Conflict Management. Athens: The University of Georgia Press, 1980. - 339 p.
8. Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. <http://lex.uz/docs/3026246>.
9. Кубатов Ш. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: назария ва амалиёт. <http://buxoro-yoshlari.uz/2016/01>